

1.Таълим муассасаларида индивидуал ёндашув таълими индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш шаклларида қўллаш мақсадга мувофиқ.

2. Индивидуаллаштириш ва дифференциаллашнинг асосий мақсади талабада мавжуд индивидуалликни сақлаш ва ривожлантириш орқали ўзига хос бетакрор ҳамда ноёб инсон шахсини тарбиялашдан иборат бўлади.

3.Таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциаллашнинг муҳим асосларидан бири педагогик жараёни лойиҳалашда таълим олувчиларнинг психологик ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш билан белгиланади.

4. Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчи - талабанинг мавжуд хусусий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув материални дифференциаллаштириш; турли ҳажм ва мураккабликдаги ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш; алоҳида олинган ҳар бир синф ёки гуруҳ учун таълим - тарбия жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ тадбирлар тизимини яратишни тақозо этади.

5. Педагогик жараёнида индивидуал ёндашувдан фойдаланиш унинг субъектлари учун шахс индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, фаоллигини юзага чиқариш, билим сифатини ошириш, илгор педагогик тафаккурини шакллантиришда улкан имкониятлар яратиш беради.

Таълим - тарбияга нисбатан индивидуал ёндашув муаммоси юзасидан тадқиқот назарий талқини ва замонавий ҳолати мазкур масалага бўлган қизиқиш қадим замон олим ва педагоглари эътиборини ҳам ўзига тортганлигини кўрсатди. Ҳозирги замон мамлакатимиз ва ҳориж олимлари, педагоглари, психолог ва илгор амалиётчи ўқитувчилар тажрибалари ҳамда илмий изланишлари таҳлили индивидуал ёндашув муаммоси юзасидан ўтмиш ва ҳозирги замон мутахассислари бир - бирига яқин келадиган бир қатор асосий ўринларни ифодалаш имконини беради. Биринчидан, индивидуал ёндашув шу пайтга қадар нисбатан паст ўзлаштирадиган ўқувчи - талабаларга ўзи яхши ўзлаштирадиган тенгдошларига барча жабҳаларда етиб олиш имкониятини берган, бермоқда ва бундан кейин ҳам бериши шубҳасиз.

Шу муносабат билан бу ёндашув яхши ҳамда нисбатан паст ўзлаштирадиган ўқувчи - талабаларга уларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал топшириқлар яратиш, дифференциал вазибалардан фойдаланишни назарда тутиди. Иккинчидан, индивидуал ёндашув аксарият ҳолларда ўқувчи - талабани индивидуал имкониятларини

инобатга олган ҳолда таълимни айнан реал ҳолатга мослаштиришни тақозо қилади. Учинчидан, индивидуал ёндашув, айниқса илгарилари ўқувчи - талабаларга эпизодик ҳолатда жуда юзаки тарзда қўлланилган. Ва ниҳоят, индивидуал ёндашув узок вақтлар мобайнида ўқитувчининг интуицияси, дастлабки тажрибалари асосида амалга оширилган бўлиб, бу ҳолда ўқитувчи боланинг ҳақиқий индивидуал хусусиятлари - фикрлаш қобилияти, тасаввури, билим ва тарбия даражасини эмас, балки унинг яхши, ёмон ёки паст ўзлаштиришини кўра олиши асосида амалга ошириб келинган. Фақат кейинги йиллардагина таълим жараёнига индивидуал ёндашувни тадбиқ этишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва бола шахсининг барча ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинган илмий асосланган метод ва технологияларни қўллаш тажрибаси амалга оширила бошланди.

Тажрибалар деярли барча таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглarning турли даражадаги ўзлаштириш имкониятлари ва билиш қобилиятига эга бўлган шахслар билан ишлашига тўғри келишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, педагогик жараёнда тарбияси оғир, носоғлом муҳитда ўсиб улғаяётган ҳамда жисмоний соғлиғида муаммоси бор ўқувчи - талабалар билан ишлашда муайян қийинчиликларнинг юзага келиши табиий.

Айтиб ўтилган жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда кўрилатган муаммо, таълим - тарбия тизимига индивидуал ёндашувни самарали тадбиқ қилишнинг бир қатор асосий жиҳатлари аниқланди.

Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Олий таълим муассаса (ОТМ)ларига келган талабаларнинг ижтимоий психологик адаптациясини ўз вақтида илмий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш зарур;
- кучли жисмоний кўрсаткичга ҳамда яхши ўзлаштириш имкониятига эга бўлган талаба билан унинг акси даражасидаги талаба ҳам ўзига хос индивидуал ёрдам олиши лозим;
- ОТМдаги индивидуал ёндашувда ҳар бир талабанинг ўзига хос психофизиологик жиҳатлари, руҳиятини инобатга олинган ҳолда соғломлаштириш технологияларини ўзаро алмашлаб қўллаш яхши самара беради;
- ОТМ талабалари ақлий қобилиятлари ривожланиши турли мазмундаги махсус воситалар, ривожлантирувчи таълим, муайян мураккабликдаги ақлий меҳнатни амалга оширишда ўз имкониятларидан тўғри тақсимлаш каби омилларга боғлиқ.

Адабиётлар

1. Акимов М.К., Козлова В.Т. Индивидуальность учащихся и индивидуальный подход. - М.: «Знание», 1992. - С.77.
2. Они же. Психофизиологические особенности индивидуальности школьника: Учет и коррекция. - М.: «Академия», 2002. - С.160.
3. Актуальные проблемы индивидуального обучения: Материалы симпозиума в Тарту, 13-14 октября 1969 г. / сост. И.Э. Унт. - Тарту: 1970.
4. Акутина Т.В. Здоровьесберегающие технологии обучения: индивидуально-ориентированный подход. // Школа здоровья. 2000. - Т.: 7. - № 2.
5. Белошестая А.В. Индивидуальная работа с ребёнком как условие развития его личности. // Вопросы психологии. - 2000. - № 4.
6. Гордеева И.Н. Индивидуализация обучения: опыт, реалии, перспективы. // Педагогика. - 2002. - № 2. - С.32-38.

РЕЗЮМЕ

Мақолада индивидуаллаштириш таълими тўғрисидаги қарашлар ва индивидуаллаштириш муаммолари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема индивидуализации обучения в целях сохранения здоровья в системе непрерывного образования

SUMMARY

In the article there was analyzed the issue of realization of the principle of individualization in physical education of students in the system of continuous education.

ЭМОЦИЯ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЯЛАР ПСИХОТЕРАПЕВТИК ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИ ЭКАНЛИГИ

Д.А.Уразбаева - катта ўқитувчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: психология, эмоция, психик ҳолат, биологик назария, таламик назария, информация назария, когнитив назария, гомеостаз.

Ключевые слова: психология, эмоция, психический состояние, биологическая назария, таламическая назария, информационная назария, когнитивная назария, гомеостаз.

Key words: psychology, emotion, psychological state, biological theory, thalamic theory, theory of information, cognitive theory, homeostasis.

Бизга маълумки, XXI аср илм-фан ва техника соҳаларидаги буюк кашфиётлар ва ихтиролар яратилган давр бўлиб, улар турли соҳаларда қўлга киритилган назарий ва амалий янгилликларда намоён бўлмоқда. Жаҳонда бўлаётган бундай янгилликлар тиббиёт психологияси ва психотерапияси соҳасида қатор ижобий ўзгаришларни, ўзига хос ёндашувларни келтириб чиқармоқда.

Онкология соҳасида психотерапияни қўллаш, психология соҳасидаги эмоциялар ҳақидаги тадқиқотларнинг чуқур назарий таҳлилини талаб қилмоқда. Чунки касалликни даволашда психологик ёрдам кўрсатилар экан, у мустақкам назарий асосга эга бўлиши лозим. Эмоция психологиясига оид ҳар бир тадқиқот муайян илмий муаммоларни, амалий вазибаларни ечишга қаратилган бўлиб, улар ўз ўрнида қимматлидир.

Психологияда эмоциялар кўпинча ҳиссиёт тушунчаси билан бирга хал қиланади. Лекин бу тушунчалар гарчи бир-бирига яқин бўлса ҳам улар мазмунан фарқ қилади. Жумладан, профессор Э.Ф.Ғозиев фикрича: “Ҳиссиёт борлиққа, турмушга, шахсларга муносабатга нисбатан шахснинг субъектив кечинмаларининг акс этишидир. Яъни, объектив воқеликнинг эҳтиёжлар субъекти бўлмиш шахс миёсида борлиққа нисбатан унинг учун қадри, аҳамиятли бўлган муносабатларининг ўзига хос акс эттирилишидир”, деб изоҳлайди [4:225].

Эмоция ҳиссиётга нисбатан бирмунча аниқроқ акс этадиган ҳолат бўлиб, у айни пайтдаги кўзгатувчининг таъсир кучи билан ўлчанади. Профессор Э.Ф.Ғозиев эмоцияни, одатда ташқи аломатларда бевосита намоён бўладиган ҳис-туйғуларнинг ички кечинмалардан иборат

психик жараён нәтижәсида юзага келәдиган аниқ шаклидир, деб хисоблайди. Масалан, рангнинг ўзгариши, юзларда табассумнинг пайдо бўлиши, лабларнинг титраши, кўзларнинг ярқираши, кулги, йиғи, ғамгинлик, иккиланиш, саросималик ва бошқалар эмоциянинг ифодасидир, деб таъкидлайди. Аммо ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият, виждон, меҳр-окибат, севги-муҳаббат сингари сезгиларни хиссиёт сирасига киритади. Уларнинг муҳим фарқи шундаки, бири (хиссиёт) ижтимоий, иккинчиси эса, индивидуал, хусусий ҳолатда содир бўлишини тушунтиради [4:226].

Эмоция ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун эмоция ҳақидаги назарияларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Психология фанида эмоция ҳақида куйидаги назариялар мавжуд:

1. Биологик назария. Ч.Дарвин ўзининг 1872 йилда нашр қилган “Инсон ва ҳайвон эмоцияларининг ифодаланиши” номли асарида эмоция эволюцион ривожланишда мавжудотнинг физиологик активлигидан келиб чиқшини илгари суради. У инсон ва ҳайвон эмоцияларининг ривожланиши ва намоён бўлишида катта фарқлар йўқлигини исботлайди. Хусусан, у антропоид ва туғма кўр бўлиб туғилган болаларнинг ташки эмоцияси ифодаланишида умумийлик мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга у соф инсоний экспрессиялар (ҳижолат (изза) бўлиш, уялиш, ғам-қайғу, ғазабланиш)ни ҳайвонларда ҳам кузатади. Дарвин фикрича, эмоциялар тўғридан-тўғри асаб тизими, яъни рефлектив тарзда вужудга келади. Жонли мавжудотлардаги энг қадимий эмоционал кечинмалар сифатида “роҳатланиш” ва “азобланиш”ни хиссиётлари борлигини кўрсатади. Кейинчалик Дарвин назарияси П.К.Анохин (1949, 1964) томонидан ривожлантирилди [1:85].

2. Ассоциатив назария. В.Вундт томонидан илгари сурилган назария бўлиб, у эклектик (фалсафий) хусусиятга эга. У эмоция пайдо бўлишининг Гербарт нукта-назарини қўллаб-қувватлаб, биринчидан, у тасаввурлар хиссиётнинг вужудга келишига таъсир қилади деб хисобласа, иккинчидан эмоция тасаввурлар жараёнида бевосита ҳосил қилинадиган ички ўзгаришлар ҳосиласидир, деб хисоблайди.

3. Периферик назария. У америкалик психолог У.Джеймс (1894) ва даниялик паталоганатом Г.Ланге (1895) томонидан илгари сурилган назариядир. Джеймс-Ланге назарияси ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишини куйидаги тарзда тушунтириб беради. Ташки таъсирлар юрак-кон томир ва нафас олиш фаолиятини, мушаклар тонусини, тери рангини ўзгартириб юборади. Бу ўзгаришлар ҳис-туйғуларнинг танада акс этган клиник кўринишларидир.

Масалан, яқин кишидан жудо бўлган одам қаттиқ хафа бўлади ва йиғлайди, бирор нарсадан қўрққан одам титрайди, асаби қаттиқ таранглашганидан қўлини мушт қилиб тиззасига уради ва ҳоказо. У. Джеймс ва Н. Ланге худди шу ҳолатни бошқача талқин қилишга ундайди: сиз хафа бўлганингиз учун йиғлаётганингиз йўқ, йиғлаётганингиз учун хафа бўлаяпсиз; сиз қўрққанингиз учун титраётганингиз йўқ, титраётганингиз учун қўрқаяпсиз; сиз қаттиқ асабийлашганингиздан қўлингизни мушт қилиб ураётганингиз йўқ, қўлингизни мушт қилиб ураётганингиз учун асабийлашаяпсиз.

4. Энергетик назария. Бу назария муаллифи В.Освальднинг (1903) фикрича, барча асаб силсилаларида ҳаракатланадиган энергиялар асаб эңаргиялари, деб аталади... энергиянинг барча жадаллиги - ҳузурланиш, энергия жадаллигини бузилиши - азобланиш сифатида талқин қилинади.

5. Таламик назария. Бу назария соҳиби У.Кеннон 1887 йилда салбий эмоциялар нәтижәсида ошқозон ва ичак тўлқинсимон сиқилишдан тўхтаганини кузатган. Организм очлик, оғрик, қўрқув ва ғазаб ҳолатида гомеостазнинг (организмнинг доимий ички муҳити) ўзгаришини аниқлаб, шунга асосан таламо-эмоционал бошқарув назариясини ишлаб чиққан.

6. Психоаналитик назария. У З.Фрейд томонидан фанга киритилган. У эмоцияларнинг вужудга келиши онгсиз инстинкт тарзда кечиши мумкинлигини илгари суради.

7. Активация назария. У Д.Линдсли томонидан фанга киритилган. У Г.Моруци ва Х.Мэгуннинг ретикуляр формация функциялари назариясига асосланган. Унга кўра эмоционал ҳулқнинг энергетик таъминоти ретикуляр формацияси орқали амалга оширилади, барча эмоционал ҳаракатнинг вужудга келиши катта ярим шарлар қобиғи томонидан бошқарилади.

8. Лимбик назария. Бу назария асосчилари Р.Баси, Папез, Макелландлар эмоцияларнинг пайдо бўлиши куйи ва юқори эмоцияларга жавоб берадиган лимбик система (таламуснинг олдинги ядроси, гипоталамус, мия гүмбазы, миндалина, гиппокамп, мия бурмалари, префронтал пўстлок)

асосида юзага келиши ҳақидаги қарашларини ривожлантирди.

9. Эмоция ифодаланишида кон-томирлар назарияси. ХХ асрнинг бошларида И.Уэнбаум юз мускуллари билан мия кон-томирлари ўртасида чамбарчас боғлиқлик борлигини аниқлади.

10. Фрустрацион назария. Бу назария вакиллари салбий эмоцияларнинг вужудга келишини эҳтиёжларнинг қондирилмасли, омадсизликларнинг нәтижәси эканлиги тарзида тушунтириди. Дж.Дьюи, Э.Клапаредлар эмоция у ёки бу сабабга кўра адаптация қийинлашаётган пайтда вужудга келади, деб хисоблайди. Кейинчалик Л.Фестингер, Ж.Хантлар когнитив диссонанс ва когнитив консонанс тушунчаларини фанга киритганлар.

11. Когнитив назария. Бу назарияга кўра эмоцияларнинг вужудга келиши когнитив жараёнлар асосида рўй бериши мумкинлигини илгари суради. Бу назария иккига бўлинади: 1. Эмоциянинг когнитив-физиологик назарияси С.Шехтер; 2. Эмоциянинг билиш (когнитив-баҳолаш) назарияси М.Арнолд ва Р. Лазарус томонидан асосланган.

12. Информацион назария. Эмоция вужудга келишидаги оригинал назария П.В. Симонов томонидан илгари сурилган. У эҳтиёжларни қондиришда керак бўладиган ахборотларнинг керагидан ортиқча ёки етишмаслиги нәтижәсида эмоция вужудга келишини айтади [1:100].

13. Дифференциал эмоциялар назарияси. К.Изард (1977) - кечинмали-мотивацион таъсиротлар сабабли юзага келадиган алоҳида эмоциялар хусусида фикр юритади. Бу назария асосини 5 та қараш ташкил қилади:

1. 10 та базавий эмоция мавжуд: қувонч, ғам-қайғу, ғазаб, жирканиш, нафратланиш, қўрқув, уялиш, гуноҳқорлик ҳисси, ҳайратланиш ва қизиқувчанлик;

2. Ҳар бир эмоция ўзида ноёб мотивацион ва феноменологик хоссани бирлаштиради;

3. Улар турли ички кечинмаларда ва ташки ифодаларда намоён бўлади;

4. Эмоциялар драйвлар, гомеостатик, перцептив, когнитив ва мотор жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, уларга таъсир кўрсатади;

5. Ўз навбатида перцептив, когнитив ва мотор жараёнлар ва майллар эмоционал жараёнларнинг кечишига таъсир қилади.

Бу назария таълимотига, эмоция объектив хусусий бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида кечинмали-мотивацион жараён сифатида фарқланади. Эмоционал ҳолатларнинг дифференциацияси адаптация функциясини бажаради [1:109].

Эмоционал психиканинг бошқа акс этиш шакллари билан фарқи шуки эмоционал кечинмалар организмнинг ташқарисида содир бўлади. Бу эса эмоциянинг экспрессивлик хусусияти мавжудлигини кўрсатади.

Г.Остер ва П.Экманларнинг таъкидлашича, инсон мимикаси эмоцияларнинг таъсири билан туғилади. Турли хил эмоцияларни ифодалашда зарур бўладиган юзнинг барча мускуллари она қорнидаги ривожланишнинг 15-18 ҳафталикларида, “юз ифодаси” ўзгаришларининг ривожланиши 20 ҳафталикдан пайдо бўлади. Шунинг учун кўпгина олимлар эмоцияни аниқлаш ва ифодалашнинг асосий канали сифатида юз экспрессияси кўрсатади [3].

Экспрессиянинг мимика воситаси эканлигини А.Диттменн, А.А.Бодалёв, К. Изард, В.А.Лобунский, П.Экман ва бошқалар таъкид қилганлар. П.Экман ва К.Изард бирламчи, базавий эмоциялар (қувонч, ғам-қайғу, нафратланиш-жирканиш, ҳайратланиш, ғазаб, қўрқув)нинг мимик аломатларини таърифлаган ва улар юзнинг учта автоном зонасини ажратган: пешона ва қош соҳаси, кўз соҳаси (кўз, киприклар ва бурун асоси) ва юзнинг пастки қисми (бурун, лунж, оғиз, жағ, ияк) [3]. Юз экспрессияси ифодаланишини эмоционал таъсирланиш оқибати, деб ҳам хисоблаш мумкин.

Инсоннинг эмоционал таъсирланиши инсон организми ва шахсининг турли тизимларида хос мураккаб реакцияларни ўзида намоён этади. Бинобарин, эмоционал таъсирланишни психофизиологик (эмоционал) ҳолатнинг вужудга келиши, деб тушуниш мумкин.

Биринчилардан бўлиб Н.Д.Левитов эмоционал реакцияларга алоҳида ҳолат сифатида диққатни қаратган (1964). Н.Д.Левитов психик ҳолатларнинг эмоционал кечинмага эга бўлган ва эга бўлмаган кўринишлари мавжудлигини таъкидлайди. Эмоциялар таъсирида бўлган психик ҳолатлар ҳам мавжуд булар: хушёр сергаклик (“оператив ҳаловат” А.А.Ухтомский бўйича), ҳавфсиз вазиятлардаги дадиллик ва бошқалар”. Ва психик ҳолатларнинг катта қисми эмоциялар таъсирида бўлиб, эмоционал ҳолатлар, деб номланиши мумкин [2].

Демак, хулоса сифатида шуни келтиришимиз мумкин:

1. Эмоциялар муаммоси назарий психологик манбааларда кўпгина олимлар томонидан ўзига хос тарзда таҳлил қилинган ва бу жараён давом этмокда.

2. Онкологик беморларга психологик ёрдам кўрсатишда юқоридаги назарий қарашлардаги муайян ғояларга асосланиш мумкин.

а) У.Кеннонинг гомеостазис назариясига мувофиқ беморлардаги патологик ўзгаришлар организмдаги доимий ички мувозанатнинг натижаси ҳисобланади;

б) С.Шехтер, М.Арнольд ва Р.Лазарус назарий қарашларига биноан беморлар билан психотерапевтик муносабат жараёнида когнитив компонентнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиш зарур;

в) П.В.Симоновнинг информацион назариясига биноан, беморларнинг эмоционал ҳолатларини бошқаришда зарурий ахборотлар бериб бориш ниятда муҳим;

г) Н.Д.Левитовнинг тадқиқотларига кўра, бемор психик ҳолатига унинг эмоционал кечинмалари орқали таъсир қилиш имконияти мавжуд. Шу орқали беморнинг умумий эмоционал ҳолатига ижобий таъсир қилиш мумкин.

Адабиётлар

1. Ильин Е.П. Эмоции и чувства. 2-е изд.-СПб –Питер: 2011.

2. Левитов Н.Д.О психических состояниях человека. -М.: 1964.

3. Oster H., Ekman P. Facial behavior in child development // In:Collins W. A. (ed).Minnesota Symposium on child psychology,v.11, -N-Y.: 1968.

4. Ғозиев Э.Ф. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада эмоция назариялари ҳақида маълумотлар берилган ва онкология соҳасида психотерапияни қўллаш мумкинлиги ҳақида муаллиф тавсиялари баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются психологические теории эмоций и основные положения составляющие основу психотерапии в онкологии.

SUMMARY

In this article describes the psychological theories of emotion and composition of the main provisions as the basis of therapy in oncology.

ЭСТЕТИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ЖЕКЕ АДАМНЫҢ ҚӘЛИПЛЕСИҮИНИҢ ТИЙКАРЫ

Т.В.Уразимова - көркем өнер таныу илимлари кандидаты

Эжинияз атындағы Нөкис мамлекетлик педагогикалык институты

Таянч сўзлар: педагогика, социал жараён, ўқитиш жараёни, методология, ўқитиш усуллари, тарбиялаш, ижодкорлик.

Ключевые слова: педагогика, социальная сфера, процесс образования, методология, методы образования, воспитание, творчество.

Key words: pedagogics, social sphere, education process, methodology, methods of education, upbringing, creative work.

Эстетикалык тарбия (хэм бир пүтинликтин курам бөлєги сыпатындағы көркемлик дүньякарастың қәлиплесиўи) жеке адамның хәр тәрәплеме раўажланыўи системасындағы ең әҳмийетли элементлердин бири. Эстетикалык тарбия түсинигин қарай отырып, биз оның улыўма алғанда, гөззалық тараўындағы сезимлердин қәлиплесиўи процесин билдиретуғынлығын түсинемиз. Бирақ, эстетикада бул гөззалық көркем өнер менен, адамның санасында хэм сезимлеринде өмир ҳақыйқатлығының көркем сәўлелениўи менен, оның гөззалықты түсиниўи, өмирде усы жол менен жүриўи хэм гөззалықты жаратыўи менен байланыслы. Бул мәнистен қарағанда эстетикалык тарбияның тийкаргы мазмуны, адамда көркем өнердеги хэм өмирдеги гөззалықты толыс қабыл етиў хэм дурыс түсиниў қәбилетин қәлиплестириўге бағдарланған, жеке адамның рәнбөрең көркем-эстетикалык искерлигин шөлкемлестириўден, эстетикалык түсиниклерди, қызығыўшылықларын хэм идеалларын ислеп шығыўдан, сондай-ақ, көркем өнер тараўындағы дәретиўшилиқ зейинликлерин хэм уқыпшылықларын раўажландырыўдан ибарат.

Эстетикалык тарбия көркем өнер жәрдемінде әмелге асырылатуғын болғанлықтан, оның мазмуны оқыўшыларды көркем өнердин хәр қыйлы түрлери хэм жанрларына – әдебиятқа, музыкаға, сүүретлеў өнерине – қызықтырып тартыўды өз ишине алыўи тийис. Сондай-ақ, эстетикалык тарбияның әҳмийетли тәрәпи өмирдеги, табияттағы, адамның әдеп-иқрамшылық келбетиндеги хэм минез-кулқындағы (жүрис-турысындағы) гөззалықты үйрениў болып табылады.

Эстетикалык тарбияның мазмунының булардан басқа да әҳмийети кем болмаған тәрәпи оның адамның жеке инсан сыпатында раўажланыўына бадарланғанлығы болып табылады. Ол усы раўажланыўдың қайсы тәрәплерин қамтыўи тийис? Биринши гезекте, жеке инсанда көркем өнер тараўына, жәмийеттин көркемлик қунлылықларын түсиниўге болған қызығыўшылықты пайда етиў зәрүр.

Эстетикалык тарбияның мазмунының әҳмийетли элементи көркемликте түсиниў үйрениўди раўажландырыў болып табылады. Бул үйрениўлер эстетикалык кубылыслардың кең көлемин қамтыўи тийис. Атап айтқанда, жеке адамды көркем өнердин хәр қыйлы түрлериндеги, табияттағы, қоршап турған өмирдеги хэм адамлардың жүрис-турысындағы гөззалықты түсиниўге үйретиў зәрүр.

Эстетикалык тарбияның әҳмийетли курам бөлєги көркем өнерди түсиниў хэм өмир ҳақыйқатлығын көркемлик сәўлелендириў мәселелери бойынша өзиниң пикирлерин (көзқарасларын) билдире алыў уқыпшылықлары менен байланыслы болған билимлерди ийелеў болып табылады. Буның менен, жеке адамда усы ҳақыйқатлықты көркем өнердин хәр қыйлы түрлеринде хэм жанрларында сәўлелендириўдин

айрықшалықлары ҳаққындағы билим хэм түсиниклерди қәлиплестириў, көркем өнердин мазмунын хэм руўхый-эстетикалык бағытланғанлығын анализлеў уқыбын жетилистириў байланыслы.

Эстетикалык тарбияның мазмунында жасларда гөззалықты қабыл етиў хэм сезиниў менен байланыслы болған көркемлик қызығыўшылықларды қәлиплестириў үлкен орын ийелейди. Жасларға ҳақыйқый көркем өнер шығармасының гөззаллығын хэм үйлесимлигин сезиниўге, көркемлик талапшандығын көрсетиўге, сондай-ақ жүрис-турыс, өзін улаў мәдениятын көтериўге умтылыўды үйретиў керек.

Буннан басқа, эстетикалык тарбия көркем өнердин пукаралық (гражданлык) негизлерин ашыўға хэм қайта ойлап көриўге хэм жәмийетлик көз қараслардың хэм исенимлердин, сондай-ақ әдеп-иқрамшылықтын қәлиплестирилиўине бағдарланған болыўи тийис [1:56-61].

Көркем өнер шығармаларын үйрениўде олардың пукаралық хэм әдеп-иқрамшылық бағытларын ашыў хэм оларды жеке адамның руўхый келбетин қәлиплестириў мақсетинде пайдаланыў оғада үлкен әҳмийетке ийе. Буның ушын, ҳақыйқый көркем өнер дәрәтпеси бәрқулла өмир шынлығын, гөззалықты жаратыўдың дәретиўшилиқ көтериңкилигин жырлайтуғынлығын, адамлардың алға илгерилеўге, жақсы нийетлерге, жақсылық, еркинлик хэм әдиллик идеалларын жүзеге шығарыўға умтылыўларына жағдай туўдыратуғынлығын түсиниўин жетилистириў зәрүр.

Ана-Ұатанға болған сүйиспеншилиқ, жәмийеттеги барлық бузықшылықларға қарсы гүрес, дәретиўши-адамның руўхый гөззаллығын раўажландырыў – көркем өнер классикасының ең жақсы дәрәтпелериниң идеялық мақсетлери мине усындай.

Жеке адамды эстетикалык қәлиплестириўдин педагогикалык мәниси соннан ибарат, күнделикли турмыстағы жүрис-турысының әпиўайы көнликпелеринен тысқары, оған өзинше шешим қабыллаў хэм әдеп-иқрамшылық көзқарасынан дурыс жолды таңлаў талап етилетуғын, бир қанша жоқары дәрәжеге көтерилюине жәрдем бериў керек болады [2:15-21].

Жеке адамның эстетикалык қәсийетлериниң қәлиплесиўинде, педагогикалык тәсирлерден басқа көп санлы жағдайлар: жәмийетлик орталық, хәр қыйлы жұмыс түрлери, адамлар арасындағы қарым-қатнастың жетекши түрлери, жынысый ер жеткенлик бойынша айырмашылықлар – тәсир етеди, соның менен бирге жеке адамның әдеп-иқрамшылық сана-сезиминиң қәлиплесиўине бизиң елимиздеги социаллық шәрәятлар да өз үлесин қосады, олар да жеке адамның қәлиплесиўине өзиниң тәсирин көрсетеди.

Бизиң заманымыз – мағлұмат технологиялары заманы – өзлериниң күш-жигерин жәмийеттин ийгилиги ушын жумсайтуғын, қатып қалған қәлиплер бойынша ойламайту-